



ХОРАЗМ ЗИЁЛИЛАРИНИНГ 1937–1938 ЙИЛЛАРДАГИ ФОЖЕАЛИ ТАҚДИРИ

Ю.Раҳмонова

Осиё Халқаро университети профессори
<https://doi.org/10.5281/zenodo.17452474>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 15-oktabr 2025 yil
Ma'qullandi: 20-oktabr 2025 yil
Nashr qilindi: 27-oktabr 2025 yil

KEY WORDS

Хорезм, политические
репрессии, 1938 год,
интеллигенция, советский
режим, историческая
справедливость

ABSTRACT

В статье анализируются политические репрессии, осуществленные советским тоталитарным режимом в Узбекистане в XX веке, с особым вниманием к Хорезму. Рассматривается преследование интеллигенции и государственных деятелей в 1937–1938 годах, их творческое наследие, реабилитация и значение исторической памяти.

XX асрдаги совет тоталитар тузуми тарихда чуқур из қолдирган сиёсий қатағонлари Октябрь инқилобидан сўнг бошланган бўлиб, оммавий қамоққа олишлар, сохта гувоҳликлар асосида ўтказилган суд жараёнлари, меҳнат лагерларига юбориш (ГУЛАГ тизими), жисмоний ва маънавий йўқ қилиш каби усуллар билан амалга оширилди.

Айниқса, 1937–1938 йилларда юзага келган “Катта қирғин” даври тарихга сиёсий тазйиқларнинг энг оғир даври сифатида муҳрланди. Бу даврда юз минглаб инсонлар турли тухмат ва сохта айбловлар билан жазоланди. Қатағонлар доираси кенг бўлиб, жамиятнинг турли қатламларини қамраб олди — давлат арбоблари, ижтимоий фанлар ва маданият намояндалари, ҳарбийлар, партия фаоллари, ишчи ва деҳқонлар қамоққа олинди ёки отиб ташланди.

Тарихчилар ҳисоб-китобларига кўра, сиёсий қатағонлар натижасида 1930–1953 йиллар оралиғида камида 3 миллиондан зиёд инсон ГУЛАГ лагерларига юборилган, юз минглаб киши эса қатл этилган.

Ўзбекистон тарихида 1937–1953 йиллар совет режимининг энг қаттиқ сиёсий қатағонлар даври бўлиб, бу йилларда Ўзбекистонда тахминан 100 минг киши турли айбловлар асосида қамоққа олинган, шундан катта қисми ёшлар ва миллий зиёлилар вакиллари, аёллар эди. Қатағонлар кўлами республика ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётига катта зарар етказди.

Ушбу қатағонлар остида миллий кадрлар йўқ қилинди ёки қамоққа ташланди. Бу сиёсий тазйиқлар Ўзбекистонда мақсадли ва тизимли тарзда амалга оширилиб, маҳаллий раҳбар кадрларни бартараф этиш орқали совет ҳокимиятининг мутлақ назоратини ўрнатишга қаратилган эди. Ўзбекистонда миллий зиёли қатламга мансуб маданият, адабиёт, илмий-тадқиқот ва давлат бошқарувида фаолият юритган бир неча

минг нафар арбоблар совет айбловлари асосида ноҳақ жазоланди. Бу эса миллий кадрлар захирасининг катта қисқаришига олиб келди.

Ўзбекистонда мазкур даврда миллий мафкура ва сиёсий барқарорликка жиддий таҳдидлар юзага келди. Миллий ўзлик ва анъанавий қадриятларга нисбатан ишончсизлик кайфияти шаклланди. Миллий кадрларнинг оммавий равишда таъқиб қилиниши ва қамоққа олиниши уларнинг жамиятдаги таъсирини кескин камайтирди, бу эса ўз навбатида миллий ўзликнинг шаклланиши ва ривожланишига салбий таъсир кўрсатди.

“Катта қирғин” даврида кўплаб ёзувчилар, олимлар, давлат арбоблари сиёсий айбловлар билан қамоққа олинди, жиноятларга алоқадор бўлмаган кўп сонли одамлар қатл этилди. Бу жараён миллий маданият ва илм-фаннинг ривожланишига катта тўсиқ бўлди.

1937–1953 йилларда амалга оширилган қатағонлар Ўзбекистонда жамоатчилик ҳаётини кескин ўзгартирди. Миллий кадрларнинг йўқолиши, маданий меросга қарши босимлар мамлакатда ижтимоий ва маданий инқирозга сабаб бўлди. Бундан ташқари, халқ орасида хавотир, беқарорлик ва ишончсизлик муҳити шаклланди. Кўплаб оилалар парчаланиб, жамиятнинг иқтисодий ва маънавий тараққиётига салбий таъсир кўрсатилди. Совет режимидagi сиёсий қатағонлар жамиятда қўрқув муҳитини вужудга келтирди, эркин фикрлаш ва илмий ижодга салбий таъсир кўрсатди.

Қатағонлар айниқса Ўзбекистонда оғир тус олган. Таниқли зиёлилар — Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Қурбон Беректин каби юксак илмий ва адабий салоҳият эгалари сохта айбловлар билан отиб ўлдирилган.

Худойберган Девонов (1878–1938) — Туркистонда фотография ва кино санъати асосчиси. У Хива шаҳрида туғилиб, жадидчилик ҳаракатининг илғор фикрли вакили сифатида танилган. XX аср бошларида Хоразмда илк фотография мактабини ташкил этиб, ёш авлодга бу соҳанинг илмий ва амалий асосларини ўргатди. Унинг ташаббуси билан таълим муассасаларида фотография фан сифатида ўқитила бошлади.

1920–1930-йилларда Девонов нафақат миллий, балки умумиттифоқ миқёсидаги киноижод фаолияти билан шуғулланди. У “Ишчи аёллар”, “Шўркўл”, “Кўза”, “Пахта карвони”, “Хоразм далаларида” каби хужжатли фильмларни суратга олган. Бу асарлар Туркистон ҳаёти, меҳнат ва табиат манзараларини илк бор экранга чиқарган тарихий лавҳалардир.

Бироқ 1937 йилдаги сиёсий қатағонлар уни ҳам четлаб ўтмади. Девоновга “аксинқилобчи унсур”, “инглиз жосуси”, “жосуслик фаолиятида айбдор” каби тўқиб чиқарилган айбловлар қўйилди. Суд жараёни 10 дақиқа давом этган бўлиб, у 1938 йил 5 октябрда олий жазо — отувга ҳукм этилди. Архив маълумотларига кўра, у суд қарори чиқишидан бир кун аввал қатл этилган. Фақат 1959 йилда СССР Олий Суди томонидан оқланган. Худойберган Девонов миллий кино ва фотосанъатнинг илк пойдеворини қўйган фидокор ижодкор сифатида тарихда қолди.

Назир Шоликоров (1881–1938) — Хоразм Халқ Шўролар Жумхурияти ички ишлар нозири, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш тизими ташкилотчиларидан бири бўлган. У давлат бошқарувини модернизация қилиш жараёнида фаол иштирок этди. 1937 йилда у ҳам “аксинқилобчи фаолият”да айбланиб, 1938 йилда отувга ҳукм қилинди. 1958 йилда оқланди.

Қурбон Берегин (1904–1938) — Хоразмлик ёзувчи, маънавият арбоби ва миллий адабиётни ривожлантиришда фаол иштирок этган зиёли. У “Совет адабиёти”, “Инқилоб кўёши”, “Маданий инқилоб” журналларига муҳаррирлик қилган, миллий адабиёт ва мафкуравий ғояларни шакллантиришга катта ҳисса қўшган. 1937 йилда қамоққа олинган ва 1938 йилда отилган. 1956 йилда оқланган.

Ёқуб Девонов (1906–1938) — Хоразм комсомол ҳаракатининг фаоли, Марказий Осиё ёшлар иттифоқининг етакчи ташкилотчиси. Москвада Коммунистик ёшлар интернационалида фаолият юритган. 1938 йилда олий жазога ҳукм қилинган, 1957 йилда оқланган.

Каримберди Болтаев (1901–1938) — Хоразмда туғилган давлат арбоби, Ўзбекистон Ер ишлари нозири сифатида қишлоқ хўжалиги ислохотларида фаол қатнашган. 1938 йилда отилган, 1956 йилда оқланган.

Атажон Рахматуллаев (1898–1938) — Хоразмлик сиёсий арбоб, 1938 йилда сохта айбловлар билан отувга ҳукм этилган. 1989 йилда оқланган.

Бу фидойи шахслар совет қатағон сиёсати қурбонларига айланган бўлсалар-да, уларнинг ҳаёти ва мероси миллатнинг маънавий уйғониши, давлатчилик анъаналари ҳамда миллий маданиятнинг узвий давомийлигини намоён этади. Улар ҳақидаги хотира — тарихий адолат ва миллий ўзликнинг тикланиш рамзидир.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19 июл 2024 йилдаги ПҚ-270-сонли “Сиёсий қатағон қурбони бўлган юртдошларимиз ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, тарғиб этиш ҳамда уларнинг хотирасини абадийлаштириш борасидаги ишларни кенгайтириш тўғрисида”ги Қарори.
2. Ирзаев Б., Раҳмонова Ю. Хоразм вилояти Хотира китоби. – Т., «Akademnashr», 2019.
3. Тарихнинг номаълум саҳифалари. XXII – жилд. - Т., «Akademnashr», 2025.
4. Урганч Давлат университети тузилмасидаги Қатағон қурбонлари хотираси музейи архив ҳужжатлари жамланмаси.